

Омонатга хиёнат қилмайлик



Омонатга хиёнат қилмайлик

Жамият

16:27 / 04.02.2025 3958

Бир кун аввал ухлашга кеч ётганим учунми, саҳарда вақтли уйғонишим қийин бўлди. Масжидда жамоат билан бомдод намозини адо этганимдан сўнг, уйга қайтдим. Бироз мизғиб олай деб, бошимни ёстиққа қўйганимни биламан, кимдир дарвозамизни қаттиқ тақиллатиб қолди. Тезда бориб, эшикни очдим. Қарасам: қўшнимиз. Кўзлари бежо. Сочлари хурпайиб кетган. Қўл-оёқлари қалтираётгани билиниб турибди.

– Қўшни, – деди у титраган овозда. – Шаҳарни душманлар эгаллабди. Ҳаммаси қуролланган эмиш. Нариги маҳалладаги хонадонларнинг ҳар бирига кириб, эркакларни бир машинага, кексалар, аёл ва болаларни автобусга босиб олиб кетишаётганмиш. Қаршилиқ қилганларни жойида отиб ташлашаётганмиш...

– Субҳаналлоҳ. Нималар деяпсиз? Қанақа душманлар? Ким айтди бу гапларни сизга?

– Ҳозир укам телефон қилди. Мактабларга, шифохоналарга ҳам ҳужум қилишибди. Шаҳар марказида ҳарбийлар билан душманлар ўртасида отишмалар бўлаётганмиш...

Шундай дея қўшнимиз нари кетиб, уйдагиларига «Бўлақолинглар, машинага ўтиринглар, шаҳардан тезроқ чиқиб кетиш керак», деб бақира кетди.

Нималар бўлаётганини тушунмай гаранг бўлиб турганимда, қўшним машинасини юргизиб, икки-уч марта сигнал берди.

Шу пайт уйғониб кетдим... Хайрият, туш кўраётган эканман. Астафидуллоҳ. Бунақа ҳолатлардан ўзинг асрагин, эй Аллоҳим. Туриб, таҳорат қилдим. Икки ракъат намоз ўқиб, Яратганга ҳамду санолар, шукроналар айтган ҳолда У Зотдан юртимизни тинч, осмонимизни мусаффо сақлашини сўраб дуо қилдим. Тўғри, бу бир туш, лекин худди шу ҳолат ҳозир дунёнинг қайсидир бурчагида ҳақиқатда содир бўлмаяптими?! Тан олиш лозим: кўпчилигимиз бугун мамлакатимизда ҳукм суриб турган хотиржамликнинг қадрига етмаяпмиз.

Аллоҳ таоло томонидан инсонга берилган неъматларнинг сон-саноғи йўқ. Шундай неъматлардан бири хотиржамликдир. Хотиржамлик – ўзбек тилининг изоҳли луғатида «руҳан тинч бўлиш», «бамайлихотирлик», «осойишталик» маъноларини билдириши айтилган. Истилоҳда инсон учун унга бирон кимса ёки бирор нарса ҳалақит қилмайдиган қилиб берилган тинч шароитга хотиржамлик дейилади. Хотиржамликнинг акси – безовталиқ, кўнгли ғашлиқ, бетоқатлиқ, ташвишланиш. Зеро, одатдаги ороми, тинчи бузилган ҳар қандай киши ҳаяжон ва изтиробга туша бошлайди, ҳаловати бузилади.

Ҳадисда: «Мунофиқнинг аломати учта: гапирса, ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди, агар унга омонат топширилса, хиёнат қилади», дейилган (Бухорий ва Муслим ривояти).

Афсуски, кўпчилигимиз, билиб-билмай баъзида бизга берилган бу омонатга хиёнат қилиб қўймоқдамиз. Аллоҳ томонидан бизга берилган тинчлик, хотиржамлик неъматининг қадрига етмаяпмиз. Ер юзининг баъзи нуқталарида рўй бераётган машъум воқеалардан тўғри хулоса чиқармаяпмиз...

Дарҳақиқат, бугун жаҳоннинг айрим давлатларидаги аҳвол ачинарли кўриниш олмоқда. Одамлар кўчага чиқишдан қўрқади. Болалар таҳликали ҳолатда яшамоқда. Отилган ўқлар, портлашлар шовқинидан чўчиб уйғонмоқда. Таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, тўйиб еб-ичиш – улар учун орзу.

Алҳамдулиллаҳ, юртимизда тинчлик ҳукмрон. Кўчада хотиржам юришимиз, ишлаб, ҳалол ризқ топишимиз, фарзандларимизни қўрқмай, бемалол мактабга, боғчага жўнатишимиз – катта неъмат.

Болалигимизда нуроний отахонларимиз, ёши улуғ онахонларимиз «Тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимизни ёмон кўздан асрасин, барчамизни саломат қилсин, хонадонларимиздан осойишталик аримасин, илоҳим» деб дуо қилсалар, ушбу сўзлар маъносини яхши англамас эдик. Кейинчалик бу каломлар нақадар қимматли эканини тушуниб етдик.

Уруш бу – ваҳшийлик, босқинчилик, вайронагарчилик, қон тўкилиши. Уруш бу – очлик, жудолик, таназзул, инқироз. Унинг оқибатларини айтиб адо этиб бўлмайди. Шундай экан, осмонимизни мусаффо қилиб турган Аллоҳ таолога шукр қилайлик. Қуръони Каримда марҳамат қилинади:

«Сизларга ер юзида қудрат ва имкониятлар бердик ва унда сизлар учун яшаш воситалари қилдик. Қанчалар оз шукр қиласизлар-а?!»
(Аъроф сураси, 10-оят).

Ҳоят қисқа иборалардан ташкил топган ушбу ояти карима чексиз ҳақиқатни, воқеликни мужассам қилгандир. Ер юзида инсонга яшаш муҳитини яратиб бериш осон иш эмас. Бу имконни яратиш учун қанчадан-қанча бир-бирига боғлиқ ишлар амалга оширилган. Аввало, олам инсон ҳаётига мосланган, кейин инсон бу дунёда яшашга мослаштирилган. Бу икки тарафлама мослашишнинг вужудга келишига сабабчи ишлар ҳақида олимлар қанчадан-қанча китоблар ёзганлар ва ёзмоқдалар ҳам. Инсон ақлини ишлатиб, дунёда унинг учун яратилган яшаш муҳитларидан ақалли бир ёки иккитасини ўйлаб кўрса, тушуниб етадики, Аллоҳга ҳар қанча шукр қилса ҳам оз экан.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Швейцария статистика маркази эълон қилган маълумотларга кўра, инсониятнинг 5000 йиллик тарихи давомида Ер куррасида атиги 292 йил урушсиз ўтган экан. 15 500 дан ортиқ уруш, жангу жадалларда 3 миллиард 640 миллион киши ҳаётдан кўз юмган (Лихтенштейн Е., «Фан ҳақида сўз» (Слово о науке), М.: «Знание», 1976 й., 117-бет).

Шу ўринда бу урушларнинг аксарияти турли хилдаги фитнаю фасодлар, ифвою гижгижлашлар (провокациялар) оқибатида юзага келишини айтиб ўтиш лозим. Шундай экан, ҳар биримиз ўзимизни, фарзандларимизни, яқинларимизни – фитна уруғини сочувчиларнинг, йўқ жойдан жанжал-низо кўтарувчиларнинг домига тушиб қолишдан, уларнинг ҳийла-найранглариغا учишдан сақлашимиз даркор.

Аллоҳ барчамизни уруш, тухмат, офат каби бало-қазолардан сақласин.
Дориломон кунларимиз бардавом бўлсин!

Шухрат Хўжаев

«Ҳилол» журнали 6(63) сон